

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.11/30.12.2019. Tar/Yu/I/S/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ САДРИДДИН АКРАМОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ
ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИ
(МДҲ ВА ШҲТ МИСОЛИДА)

07.00.05 – Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат тарихи
07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УЎК: 061.1:327(1-6МДХ+1-6ШХТ)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Рахимов Садриддин Акрамович

Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари тарихи (МДХ ва ШХТ мисолида)3

Рахимов Садриддин Акрамович

История взаимоотношений Республики Узбекистан с международными и региональными организациями (на примере СНГ и ШОС).....27

Rakhimov Sadriddin Akramovich

The history of relationship of the Republic of Uzbekistan with international and regional organizations (on the example of the CIS and SCO).....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.11/30.12.2019. Tar/Yu/I/S/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ САДРИДДИН АКРАМОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ
ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИ
(МДҲ ВА ШҲТ МИСОЛИДА)

07.00.05 – Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат тарихи
07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Tar201 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzhistory.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаев Равшан Мажидович
тарих фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Нуриддинов Эркин Зухриддинович
тарих фанлари доктори, профессор

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Диссертация ҳимояси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги DSc.11/30.12.2019. Tar/Yu/I/S/24.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 7 июль соат 12.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100077, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳкўчаси, 54. Тел.: (+99871) 267-67-69. Факс: (+99871) 267-09-00, e-mail: rectorat@uwed.uz)

Диссертация билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100077, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳкўчаси, 54. Тел.: (+99871) 267-67-69. Факс: (+99871) 267-09-00)

Диссертация автореферати 2020 йил « ___ » _____ куни тарқатилди.
(2020 йил « ___ » _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).



И.А. Хамедов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ю.ф.д,
профессор.

Д.Ш. Умарханова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, ю.ф.д.

А. Ходжаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д.,
профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги замон халқаро муносабатларида минтақавий жараёнлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб турли давлатларда мавжуд бўлган муаммолар глобал оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Шундай шароитда халқаро ташкилотлар доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ривожланиши кўплаб давлатлар томонидан ҳам миллий, ҳам минтақавий даражадаги тинчлик ва барқарорликнинг асосий омили сифатида қаралмоқда.

Глобаллашувнинг жадаллаши ва унинг жаҳондаги геосиёсий жараёнларга таъсири замонавий халқаро муносабатларга бағишланган комплекс тадқиқотларни олиб боришига бўлган талабни кучайтирди. Хусусан, Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий, сиёсий, экологик, гуманитар ва бошқа соҳаларда, шунингдек, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашдаги кўптомонлама ҳамкорлиги масалаларини тадқиқ этиш турли илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари томонидан амалга оширилаётган илмий изланишларининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий манфаатлари, мавжуд потенциали ва имкониятлари, минтақа вазиятига сезиларли таъсир кўрсатувчи бир қатор омилларни (геосиёсий жойлашуви, денгиз портларига чиқиш имконига эга эмаслиги, Афғонистондаги беқарорлик, Орол денгизининг экологик муаммолари ва ҳ.к.) ҳисобга олган ҳолда ташқи сиёсат олиб бормоқда. Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ мамлакат ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши кўшничилик муҳитини яратишга қаратилган мувозанатли, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсатни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирги даврда Ўзбекистон миллий, минтақавий ва глобал миқёсдаги муаммоларни самарали ҳал этиш мақсадида барча хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кўп векторлик асосида фаол ривожлантирмоқда, минтақавий ҳамкорлик жараёнида Марказий Осиё давлатлари аъзо бўлган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) доирасида ўзаро ҳамкорликнинг нисбатан юқори даражасига эришилгани кузатилмоқда. Шу муносабат билан ушбу жараёнларни фанлараро ёндашув асосида ҳар томонлама ўрганиш зарур. Ўзбекистоннинг МДХ ва ШХТ мамлакатлари билан ҳамкорлиги тарихий нуқтаи назардан алоҳида илмий тадқиқот сифатида ўрганилмаганлиги ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

“Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2012 й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3654-сон Қарори ва шу соҳадаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари“ устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги чорак аср давомида Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва халқаро ҳамкорлиги, хусусан, МДҲ ва ШХТ каби ташкилотлар билан муносабатларига оид турли тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу мавзуда нашр этилган адабиётларни уч гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг турли жиҳатлари тадқиқ этилган маҳаллий муаллифларнинг асарлари киради. Улар А. Қосимов, И. Васькин, Р. Ҳакимов, Э. Нуриддинов, Н. Касьмова, Х. Ғуломов, А. Холиев, А. Ходжаев, А. Қирғизбоев, И. Бобокулов, С. Сафоев, С. Жураев, Р. Алимов, Ф. Толипов, Ч. Кўчаров, В. Парамонов, А. Строков, О. Столповский, М. Рахимов, Л. Бабаходжаева, Ш. Арифханов, Р. Фармонов, К. Жураев, О. Абдимуминов² ва бошқаларнинг асарлари, ҳамда Ўзбекистон Республикасини хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро

²Касьмов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 112 с.; Ҳакимов Р. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – 190 б.; Нуриддинов Э.З. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Тошкент: Чўлпон, 2002. – 216 с.; Касьмова Н и др. Центральная Азия: геοэкономика, геополитика и безопасность. – Ташкент, 2002. – 206 с.; Ғуломов Х., Холиев А. Международные связи Республики Узбекистан с Великобританией и США. – Ташкент: Университет, 2002. – 118 с.; Қирғизбоев А. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. – Тошкент: Фан, 2004. – 280 б.; Сафоев С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. – Тошкент: ЖИДУ, 2005. – 160 б.; Жўраев С ва бошқ. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. – Тошкент: Академия, 2005. – 36 б.; Алимов Р. Центральная Азия: общность интересов. – Ташкент: Шарк, 2005. – 464 с.; Толипов Ф. Большая стратегия Узбекистана в условиях геополитической и идеологической трансформации Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2005. – 153 с.; Ходжаев А.Х. Китайский фактор в Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2007. – 171 с.; Кўчаров Ч. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари (геосиёсий таҳлил тажрибаси) – Тошкент: Фан, 2008. – 203 б.; Парамонов В., Строков А., Столповский О. Россия и Китай в ЦА: политика, экономика, безопасность. – Бишкек, 2008. – 155 с.; Бобокулов И. Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики. – Ташкент: УМЭД, 2010. – 231 с.; История становления и развития сотрудничества Республики Узбекистан с международными организациями / Отв. ред.: Абдуллаев Р., Алимова Д. – Ташкент, 2011. – 170 с.; Рахимов М. Международное сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения стабильности и устойчивого развития в ЦА. – Тошкент: Янги нашр, 2011. – 230 с.; Бабаходжаева Л.М. Международное культурно-гуманитарное сотрудничество Республики Узбекистан (период независимости). – Ташкент: Фан, 2011. – 218 с.; Арифханов Ш. Центральная Азия: настоящее и будущее: геополитика, геοэкономика, безопасность. – Ташкент: Extremum Press, 2012. – 250 с.; Фармонов Р., Жураев Қ. Халқаро муносабатлар тарихи. – Тошкент: ЖИДУ, 2013. – 153 б.; История международных отношений Республики Узбекистан / Отв. ред.: Фармонов Р. – Ташкент: УМЭД, 2017. – 260 с. Новейшая история Центральной Азии: Проблемы теории и методологии / Отв. ред.: Аликберов А.К., Рахимов М.А. – Москва: Институт востоковедения РАН, 2018. – 304 с. Рахимов М.А., Абдимуминов О.Б. Ўзбекистон ва БМТ: муносабатлар тарихи ва барқарор ривожланиш омиллари. – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2018. – 218 б. в.б.

ҳамкорлигининг баъзи йўналишларини ўрганишга бағишланган диссертация ишларидир³. Хусусан, А. Қосимов ва И. Васькинларнинг китобида республика ташкил топишининг тарихий аҳамияти ҳамда унинг етакчи халқаро ташкилотлар ва минтақавий бирлашмалар билан ташқи сиёсий алоқаларининг хусусиятлари очиб берилган⁴. Р. Алимовнинг асарида халқаро ва минтақавий ташкилотлар (БМТ, НАТО, ЕХХТ, ШХТ, КХШТ ва бошқалар) ҳамда дунёдаги етакчи давлатларнинг (АҚШ, Россия, Хитой ва бошқалар) минтақавий хавфсизликни таъминлашдаги роли, шунингдек, Марказий Осиёнинг халқаро муносабатлар тизимидаги аҳамияти кўрсатилган⁵. М. Рахимовнинг монографиясида минтақада барқарор таракқиётни таъминлаш контекстида халқаро муносабатлар тарихи, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳоннинг етакчи давлатлари ҳамда турли халқаро тузилмалари билан кўптомонлама муносабатларининг ўрнатилиши ва ривожланиши масалалари кўриб чиқилган. Сиёсий фанлар номзодлари И. Бекмуратов ва М. Шариповларнинг диссертация ишларида ШХТнинг институционаллашуви жараёни⁶ ва унинг Марказий Осиё хавфсизлигини мустаҳкамлашдаги роли (2001-2006 йиллар мисолида) тадқиқ этилган⁷ бўлса, иқтисодий фанлари номзоди Н. Жуманиёзовнинг тадқиқотида эса МДХ доирасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш хусусиятлари ўз аксини топган⁸. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлиги масалалари Э. Нуриддинов, М. Бахадиров, А. Ходжаев, Ф. Толипов, Г. Мирзаев, О. Абдимуминов⁹ ва бошқа муаллифларнинг тадқиқотларида ҳам ўрганилган.

³ *Бекмуратов И.Н.* Деятельность ШОС и процесс ее институционализации. Автореф. канд. полит. наук. – Ташкент, 2006. – 26 с.; *Раҳимбаева Д.В.* Ўзбекистонда дипломатия хизматининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (1944–2001 йиллар. Ташқи ишлар вазирлиги мисолида). Тарих фан. ном. дис. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.; *Шарипов М.Ш.* «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ШХТнинг аҳамияти». Сиёс. фан. ном. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.; *Жуманиёзов Н.К.* Становление, специфика развития и укрепление социально-экономических отношений СНГ. Дис. ... канд. эконом. наук. – Ташкент, 2008. – 163; *Рахимов М.А.* Сотрудничество Узбекистана с зарубежными странами и международными организациями в обеспечении стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии (1991-2010 годы). Автореф. док. ист. наук. – Ташкент, 2012. – 47 с.; *Сайфуллаев Д.* Мустақиллик даврида Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши. Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 49 б.; *Абдимуминов О.Б.* Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан муносабатлари тарихи. Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 58 б.; *Мирзаев Ф.Р.* Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ҳамкорлик алоқаларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи. Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 53 б. в.б.

⁴ *Касьямов А., Васькин И.* Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – С. 3-64.

⁵ *Алимов Р.* Центральная Азия: общность интересов. – Тошкент: Шарк, 2005. – С.60-159.

⁶ *Бекмуратов И.Н.* Деятельность ШОС и процесс ее институционализации. Автореф. канд. полит. наук. – Ташкент, 2006. – 26 с.

⁷ *Шарипов М.Ш.* Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ШХТнинг аҳамияти. Сиёс. фан. ном. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.

⁸ *Жуманиёзов Н.К.* Становление, специфика развития и укрепление социально-экономических отношений СНГ. Дис. ... канд. эконом. наук. – Ташкент, 2008. – 163.

⁹ *Нуриддинов Э.З.* Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Тошкент: Чўлпон, 2002. – 216 с.; *Бахадиров М.М.* Международное сотрудничество Республики Узбекистан в решении проблем Аральского моря. Автореф. дисс. полит. наук. – Ташкент, 2002. – 27 с.; *Ходжаев А.Х.* Китайский фактор в Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2004. – 172 с.; *Толипов Ф.* Большая стратегия Узбекистана в условиях геополитической и идеологической трансформации Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2005. – 153 с.; *Мирзаев Ф.Р.* Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ҳамкорлик алоқаларининг шаклланиш ва

Иккинчи гуруҳ МДХ давлатлари тадқиқотчилари, хусусан, Д. Трофимов, Е. Сафронова, О. Тихонов, А. Лукин, А. Власов, Ю. Косов, А. Горопигин, П. Циганков, А. Богатуров, М. Арунова, Р. Алимов, К. Муратшина, В. Балакин¹⁰ ва бошқа кўплаб халқаро муносабатларга оид тадқиқотчиларининг собиқ совет давлати ҳудудида интеграцион жараёнларнинг ривожланиш суръати, шунингдек, уларнинг МОда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдаги ролини очиқ беришга қаратилган ишларини ўз ичига олади. Жумладан, ШХТ собиқ Бош қотиби Р. Алимовнинг китобида ШХТнинг халқаро ташкилот сифатида ташкил топиши ва ривожланишининг замонавий босқичлари ёритилган¹¹.

Учинчи гуруҳга узоқ хориж олимларининг асарларини киритиш мумкин. Масалан, З. Бжезинский, Г. Глисон, И. Ся, С. Арис, М. Ларюэль, С. Пейруз, Ф. Старр, С. Корнелл¹² ва бошқаларнинг асарларида Марказий Осиёдаги геосиёсий ҳолатга баҳо берилган, шунингдек минтақавий хавфсизлик,

ривожланиш тарихи. Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 53 б.; Абдимуминов О.Б. Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан муносабатлари тарихи. Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 58 б.

¹⁰Трофимов Д. Шанхайский процесс– от «Пятерки» до организации сотрудничества. Итоги 90-х, проблемы и перспективы развития // Центральная Азия и Кавказ. – 2002, №2 (20). – С. 98-107; Южный фланг СНГ. Центральная Азия – Каспий – Кавказ: возможности и вызовы для России / Под. ред. Наринского М.М. и Мальгина А.В. Центр постсоветских исследований МГИМО МИД России. – Москва: Логос, 2003. – 200 с.; Сафронова Е.И., Тихонов О.С. Проблемы Центральноазиатской интеграции в контексте ШОС // Китай в мировой и региональной политике. История и современность. – Москва, 2003. – С. 69-96; Шанхайская организация сотрудничества: от становления к всестороннему развитию / Под. ред. Лукина А.В. –Москва, 2008; Власов А. ШОС и стратегия безопасности в Центральноазиатском регионе: проблемы и перспективы / Россия – Узбекистан: история и современность // ЕвроАзия. – Москва, 2008. – № 3. – С. 76-82; Косов Ю.В., Горопигин А.В. Содружество Независимых Государств: Институты, интеграционные процессы, конфликты: Учеб. пособие для студентов вузов.– Москва: Аспект Пресс, 2009. – 224 с.; Горовой В.А. СНГ: истоки, проблемы, решения. – Минск: Право и экономика, 2009. – 173 с.; Цыганков П.А. Международные отношения: теории, конфликты, движения, организации: Учебное пособие. – Москва: Альфа-М, 2011. – 336 с.; Богатуров А.Д. Международные отношения в Центральной Азии. События и документы. – Москва: Аспект Пресс, 2011. – 549 с.; История таджикского народа. Том VI. Новейшее время (1941–2010гг.) / Под общ. ред. академика АН РТ Масова Р.М. – Душанбе: Дониш, 2011. – 742 с.; Современные международные отношения / под ред. Торкунова А.В., Мальгина А.В. – Москва: Аспект Пресс, 2012. – 688 с.; Арунова М.Р. ШОС и Афганская проблема. – Москва, 2012. – 198 с.; Алимов Р.К. ШОС: становление, развитие, перспективы. – Москва: Издательство «Весь Мир», 2017. – 336 с.; Проблемы обеспечения безопасности ШОС. Отв. ред. д.и.н. С.Г. Лузянин. – Москва: Издательство «Весь мир», 2017. – 168 с.; Муратшина К.Г. Страны Центральной Азии и расширение ШОС // Известия Алтайского государственного университета. Исторические науки и археология. 2018, №5 (103). – С. 115; Новейшая история Центральной Азии: проблемы теории и методологии. Отв. ред. А. Аликберов, М. Рахимов. – Москва: ИВ РАН. 2018.– 304 с.; Балакин В.И. Интеграционные тенденции на пространстве ШОС и Евразийская безопасность // Китай в мировой и региональной политике. История и современность. – Москва, 2018. – С. 64-76 в.б.

¹¹Алимов Р.К. ШОС: становление, развитие, перспективы. – Москва: Весь Мир, 2017. – 336 с.

¹²Brzezinski Z. The Grand Chessboard. American Primacy and its Geostrategic Imperatives. – New York, 1997. – 223 p; Gleason G. Inter-State Cooperation in Central Asia from the CIS to the Shanghai Forum. Europe-Asia Studies, 2001, №7. – Pp. 1077-1095; Син Гуанчэн. ШОС в борьбе с терроризмом, экстремизмом и сепаратизмом // Центральная Азия и Кавказ. – 2002, №4 (22). – С. 13-21; Ся И. Особенности, влияние и перспективы развития ШОС // Взаимодействие России, Индии и Китая в XXI веке – Москва, 2004. – С. 136-142; Stephen Aris. The Shanghai Cooperation Organisation: Tackling the Three Evils. A Regional Response to Non-Traditional Security Challenges or an Anti-Western Bloc? Europe-Asia Studies. 2009. №3. – Pp. 457-482; Laruelle M., Peyrouse S. Globalizing Central Asia: geopolitics and the challenges of Economic development. – N. Y.: M.E. Sharpe, 2012. – 288 p; The Shanghai Cooperation Organization and Eurasian Geopolitics: New Directions and New Perspectives. – Stockholm University, 2013. – 339 p; Central Asia today: Countries, Neighbors and Region. – Germany. Gottingen, Cuvillier Verlag Publishing House, 2014. – 433 p; Central Asia: issues, problems and perspectives. – Germany. Gottingen, Cuvillier Verlag Publishing House, 2015. – 299 p; China's Global Rebalancing and the New Silk Road. – Berlin, Germany, 2018. 253 p; Frederick Starr, Svante Cornell. Uzbekistan's new face.–Washington: Rowman & Littlefield, 2018. – 264 p. в.б.

барқарорлик, жумладан, қўшни Афғонистонда давом этаётган беқарор вазият билан боғлиқ муаммолар очиб берилади. Масалан, Фредерик Старр ва Сванте Корнеллнинг “Uzbekistan's New Face” (“Ўзбекистоннинг янги қиёфаси”)¹³ номли китобида сўнгги йилларда давлат сиёсатининг халқаро муносабатлар, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, суд ҳуқуқ тизими каби муҳим соҳаларидаги ислохотлар, ҳамда Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари баён этилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражасини таҳлил этиш Ўзбекистон Республикасининг МДХ доирасидаги ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги, шунингдек, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда ҳамда ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) ва бошқа мулоқот доираларидаги ҳамкорлиги тарихий нуқтаи назаридан диссертация даражасида тадқиқ этилмаганлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Тарих институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ И1-ФА-01434 “Ўзбекистон энг янги тарихи очерклари”, ИЗ-2014-0906053446 “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи (Олий ўқув юртлари учун дарслик)” инновацион ҳамда ФА-А1-ГО16 ПЗ-2019.09 “Ўзбекистон энг янги тарихини фанлараро ўрганиш: методология, ёндашув ва концепциялар” номли амалий илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1991-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасининг МДХ ва ШХТ билан ҳамкорлигининг асосий йўналишларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий стратегиясининг шаклланишидаги тарихий шарт-шароитларни очиб бериш;

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдаги ўрни ва ролини таҳлил қилиш;

МДХ ва ШХТнинг ташкил этилиши ва шаклланишининг шарт-шароитларини, шунингдек, уларнинг институционал ривожланишида Ўзбекистоннинг ролини тадқиқ этиш;

Ўзбекистоннинг МДХ аъзо-мамлакатлари билан иқтисодий ва гуманитар соҳадаги ўзаро муносабатлари тараққиётини таҳлил қилиш;

Тошкентда ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг яратилиш тарихини, шунингдек, Ўзбекистон ва бошқа аъзо давлатларнинг МАТТ фаолиятида минтақавий барқарорликни таъминлашдаги фаолиятини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва халқаро муносабатлари тарихи белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикасининг Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти билан ўзаро муносабатларининг ривожланиш тарихини ташкил этади.

¹³Frederick Starr, Svante Cornell. Uzbekistan's new face.—Washington: Rowman & Littlefield, 2018. – 264 p.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда фанлараро тадқиқотлар, қиёсий ва тизимли таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий стратегиясининг шаклланишига асос бўлган геосиёсий (географик жойлашуви ва минтақадаги ўрни), иқтисодий ва экологик омиллар ҳамда республиканинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан муносабатлари очиб берилган;

МДХнинг ташкил этилиши тарихи ва институционал ривожланиши, Ўзбекистоннинг ташкилот доирасида кўптомонлама (сиёсий, ҳарбий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар) ҳамкорлик тузилмаларидаги иштироки ёритиб берилган;

МДХ доирасида эркин савдо зонасини шакллантириш ва умумий сайёҳлик маконини яратиш бўйича Ўзбекистон ҳамда иштирокчи давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик динамикаси, ушбу соҳаларда мавжуд ҳуқуқий-ташкилий муаммолар (эркин савдо зонасининг тўлақонли тузилмаганлиги; туризмга оид қарорларни амалиётга татбиқ этиш механизмларининг мавжуд эмаслиги) аниқланган;

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг институционал ривожланиши, Ўзбекистоннинг ШХТ доирасида халқаро алоқаларни кенгайтиришдаги конструктив роли ҳамда Тошкентда жойлашган Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг замонавий таҳдидларга (халқаро терроризм, экстремизм, афғон наркотрафики) қарши курашдаги фаолияти очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Диссертацияда тарихий ва фанлараро ёндашув асосида янги давлат ташқи сиёсатининг шаклланишига таъсир кўрсатган асосий омиллар, Ўзбекистоннинг МДХ, ШХТ доирасида аъзо давлатлар билан минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳамкорлигининг устувор йўналишлари ўрганилган ҳамда таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасининг МДХ, ШХТ доирасидаги аъзо мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари тарихини шартли равишда хронологик даврларга бўлиш мазкур тадқиқотнинг муҳим натижаси ҳисобланади. Тадқиқот натижалари асосида аниқланган муаммоларни ҳал этишга қаратилган хулосалар шакллантирилган ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлиги тарихига доир янги ҳужжатлар ҳамда материаллар илмий муомалага киритилган.

Кенг турдаги хорижий ва маҳаллий материаллар, шунингдек, халқаро ҳужжатлар таҳлили асосида Ўзбекистоннинг МДХ, ШХТ ва бошқа ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлиги динамикаси кўрсатилган бўлиб, улардан Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганиш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Тадқиқотда тарих ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанларда қабул қилинган услуб ва ёндашувлар қўлланилганлиги, кенг кўламдаги илмий адабиётлардан фойдаланганлиги, кўплаб бирламчи манбалар ишлатилганлиги, хулоса, таклиф, тавсияларнинг

амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг аҳамияти Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсат стратегияси шаклланишига доир илмий хулосаларнинг жорий этилиши, Ўзбекистоннинг МДХ ва ШХТ доирасида кўптомонлама ҳамкорлигининг асосий йўналишларига оид илмий-назарий билимларни чуқурлаштириш билан белгиланади.

Диссертациянинг бир қатор хулосаларидан Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ёндашувларини ишлаб чиқишда, БМТ, ШХТ, МДХ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида минтақавий хавфсизликка замонавий таҳдидлар, хавф-хатарларга қарши курашдаги биргаликда ҳаракатига йўналтирилган кўптомонлама ҳамкорликнинг самарали механизмларини шакллантиришда, шунингдек, республиканинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни чуқурлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Диссертация ишининг материал ва хулосаларидан постсовет маконидаги интеграцион жараёнларни ўрганишда, Ўзбекистоннинг энг янги тарихига оид ўқув қўлланмалар ва дарсликларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлиги тарихини МДХ ва ШХТ мисолида тадқиқ этиш жараёнида ишлаб чиқилган илмий натижалар ва амалий тавсиялардан кўйидагиларда амалиётга жорий этилган:

Ўзбекистоннинг МДХ ва ШХТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлиги масалалари бўйича хулосалардан “Новейшая история Республики Узбекистана” дарслигини яратишда фойдаланилган (Олий таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-127 сонли гувоҳномаси). Тадқиқотнинг натижаларининг қўлланилиши Ўзбекистон Республикасининг МДХ ва ШХТни шакллантириш ва институционал ривожлантиришдаги иштироқи, шунингдек, минтақада барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларини ҳамда ушбу бирлашмалардаги фаолиятини ўрганиш ва таҳлил этиш имконини берган.

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи тўғрисидаги илмий хулосаларидан Тарих институтида бажарилган ФА-А1-Г016ПЗ-2014-0906065019 “Ўзбекистоннинг энг янги тарихини фанлараро ўрганиш: методлар, ёндашувлар ва концепциялар (2015-2017 йй.)” номли амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 4 сентябрдаги 3/1255-2350-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий этилиши глобаллашув шароитида Ўзбекистон Республикасининг минтақада барқарорликни таъминлашда БМТ, МДХ, ШХТ ва бошқа ташкилотлар доирасидаги икки ва кўптомонлама ҳамкорлигининг устувор йўналишлари, Марказий Осиёда терроризм ва экстремизмнинг кучайишига олиб келган асосий омиллар, Афғонистонда наркотик моддаларни етиштириш динамикаси ҳамда унинг

минтақавий барқарорлик тизимига салбий таъсирлари, ШХТнинг Тошкентда иш олиб борадиган Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг фаолиятини ёритиб беришга хизмат қилган;

Ўзбекистоннинг МДХ ташкилоти аъзолари бўлган мамлакатлар билан ҳамкорлигининг асосий аспекти тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказида амалга оширилган “ПЗ-20170928749 Ўзбекистон мустақилликка эришишининг тарихий шарт-шароитлари: ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий омиллар” номли амалий лойиҳасида олинган натижалардан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 4 сентябрдаги 3/1255-2350-сонли маълумотномаси). Натижаларнинг жорий қилиниши Ўзбекистоннинг МДХни ташкил этишдаги иштироки, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги ташаббуслари, постсовет даврининг дастлабки йилларида ушбу ташкилотнинг ҳарбий-сиёсий ва бошқа муаммолар ечимида тутган ролини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш эълон қилинган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси ва таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Халқаро муносабатлар тизимида Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати**” деб номланган биринчи бобида янги давлат ташқи сиёсий курсининг шаклланиши, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган шарт-шароитларни ташкил этишга йўналтирилган суверен Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий векторлари очиб берилган. Хусусан, диссертацияда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш даврида юзага келган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий,

ҳарбий ва бошқа соҳалардаги вазиятни комплекс ўрганиш асосида республиканинг ташқи сиёсатидаги устувор йўналишларни белгилаб берган куйидаги асосий омиллар аниқланган: 1. Собиқ совет республикаларнинг ўзаро иқтисодий боғлиқлиги¹⁴, СССР парчалангандан кейин Ўзбекистоннинг тўғридан тўғри денгиз портларига чиқиш имконига эга эмаслиги; 2. Ўзбекистоннинг геосиёсий жойлашуви¹⁵; 3. Марказий Осиё худудида ядро куролининг мавжудлиги¹⁶; 4. 1990-йилларда Тожикистон худудида куролли қарама-қаршиликнинг ҳамда кўшни Афғонистонда ҳарбий-сиёсий беқарорликнинг мавжудлиги; 5. Марказий Осиё Россия, Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Эрон, Туркия ва бошқа йирик давлатларнинг геосиёсий ҳамда иқтисодий манфаатлари тўқнашган стратегик аҳамиятга эга минтақа эканлиги¹⁷; 6. Минтақавий ва глобал миқёсдаги экологик муаммога айланган Орол денгизи инқироzi в. х.

Диссертант томонидан Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолият соҳасини амалга ошириш учун қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар¹⁸ ўрганилиб ва таҳлил қилиниб, мустақиллик даврида республика замонавий халқаро муносабатлар тизимини ҳисобга олган ҳолда ўз суверенитетини мустаҳкамлаш, миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, жаҳон ҳамжамиятига изчил интеграциялашиш, минтақавий ва глобал хавфсизликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда республика ташқи иқтисодий манфаатларини фаол ривожлантиришга қаратилган кўп векторли ташқи сиёсат олиб боришга ҳаракат қилганлиги қайд этилди. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолиятидаги ҳаракатлари мавжуд давлатлараро чегараларнинг ўзгармаслиги, минтақавий хавфсизликнинг муҳим муаммоларини ҳал қилишда барча ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, Афғонистондаги вазиятнинг барқарорлашувига кўмаклашиш, минтақани ядровий куролдан холи зонага айлантириш ҳамда Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши учун шароит яратишга қаратилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолият Концепциясига мувофиқ, иттифоқ тузиш, ҳамдўстликлар ва бошқа

¹⁴ Иттифоқ республикалари ўртасида ягона рубль зонаси, транспорт ва энергетик тизим, ўзаро ёрдам ва мустаҳкам хўжалик алоқалари ҳамда бошқаларга эга ёпиқ ҳолдаги умумиттифоқ макони.

¹⁵ Минтақанинг марказида жойлашган ҳамда Марказий Осиёнинг барча бошқа давлатлари – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон билан умумий чегараси бўлган Ўзбекистон, географик ва тарихий жиҳатдан минтақа мамлакатларини Осиё ва Европа давлатлари билан боғловчи бўгин ролини бажаради.

¹⁶ 1990-йилларнинг бошларида Қозоғистон худудида собиқ СССРнинг оммавий қирғин куролларининг жуда катта арсенали йиғилган. Хусусан улар қитъалараро баллистик ракеталари учун мўлжалланган 1040 ядро каллаклари (ядерная боеголовка) ва ҳавода жойлашишга мўлжалланган қанотли ракеталар учун 370 каллақлардир. *Қаранг: Назарбаев Н.А.* Когда мысль – материальна. – Москва: Художественная литература, 2012. – С.49.

¹⁷ Жаҳон ва минтақада таъсир кучига эга бўлган йирик давлатларнинг геосиёсий ҳамда иқтисодий манфаатлари, авваламбор, худудда табиий ресурсларнинг кўплиги, транспорт-коммуникацион имкониятлари, шунингдек Марказий Осиёда хавфсизликка замонавий таҳдидларга қаршилик кўрсатишнинг самарали механизмлари мавжудлиги билан изоҳланади.

¹⁸ Конституция Республики Узбекистан. – Ташкент: Узбекистан, 1992. Законы Республики Узбекистан «О международных договорах» (1995), «Об основных принципах внешнеполитической деятельности» (1996), «Об утверждении Концепции внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан» (2012.), «Об оборонной доктрине Республики Узбекистан» (2017) и др.

давлатлараро, шунингдек, барқарор тараққиёт ва мамлакатнинг миллий хавфсизлигини таъминлашга имкон берувчи иқтисодий тузилмаларга аъзо бўлиш ҳуқуқини сақлаб қолади¹⁹. Республика ҳарбий-сиёсий блоклар фаолиятида иштирок этмайди, ҳарбий-сиёсий блокка трансформациялашган ҳар қандай давлатлараро тузилмадан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади²⁰. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида²¹ Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши кўшничилик муҳитини ташкил қилишга қаратилган пухта, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсатни амалга ошириш республика ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири қилиб белгиланган.

Бобда таъкидланишича, глобализация шароитида дунёдаги бирорта давлат трансмиллий масштабга эга терроризм, экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний айланиши ва экологик муаммолар каби ноанъанавий таҳдидларга мустақил қарши туриш имконига эга эмас. Шу муносабат билан минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга йўналтирилган кўптомонлама ҳамда босқичма-босқичли самарали механизмларни шакллантириш мақсадида янги давлатнинг ташқи сиёсий курсини ишлаб чиқиш, амалга оширишда асосий урғу БМТ, НАТО, ИХТ, МДХ, ШХТ ва бошқа шу каби нуфузли тузилмалар билан ҳамкорлик қилишга қаратилган. Ўзбекистон хавфсизликнинг умумий тамойилига асосланган ҳолда Марказий Осиёда ядродан холи зонани ташкил этиш ташаббусини олға сурди²², минтақадаги долзарб муаммоларни ҳал этишда халқаро кучларни бирлаштириш мақсадида бир қатор халқаро даражадаги тадбирларни ташкил этиб²³, уларда сиёсий, иқтисодий, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кучайтиришнинг аниқ йўналишлари, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш масалалари муҳокама қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси махсус резолюциялари²⁴ қабул қилиниб, уларда Ўзбекистон ва минтақанинг бошқа мамлакатларига Марказий Осиёда барқарор ва конструктив

¹⁹ История международных отношений Республики Узбекистан // Отв. ред.: Фармонов Р. – Ташкент: УМЭД, 2017. – С. 15-16.

²⁰ Закон Республики Узбекистан «Об оборонной доктрине Республики Узбекистан» от 9 января 2018 г. // Национальная база данных законодательства, 10.01.2018 г., № 03/18/458/0537.

²¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. // Собрание законодательства РУз. 2017 г., №6, ст. 70.

²² Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон томонидан Марказий Осиёда ядро куралидан холи зона тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши 2006 йилнинг 8 сентябрида Семипалатинск шаҳрида амалга оширилди. Шартнома Ўзбекистон (10.05.2007), Қирғизистон (27.07.2007), Тожикистон (13.01.2009), Туркманистон (17.01.2009) ва Қозоғистон (19.02.2009) парламентлари томонидан ратификация қилинганидан сўнг 2009 й. 21 март куни кучга кирди.

²³ Ўзбекистон ташаббуси билан Самарқандда БМТ ҳамкорлигида “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, устувор ривожланиш ва фаровонлик учун ҳамкорлик” (2017 й. ноябрь) ва Тошкентда Афғонистон масаласига бағишланган юқори даражадаги “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» (2018 й., март) халқаро конференциялари ўтказилди.

²⁴ Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюцияси (A/RES/72/283 от 22 июня 2018 г.); БМТ Бош Ассамблеяси 73-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси (A/RES/73/128 от 12 декабря 2018 г.) қабул қилинган. Қаранг: Сайт ООН: // www.un.org/ru/ga/72/docs/72res_nocte.shtmlhttps://www.un.org/ru/ga/73/docs/73res_nocte.shtml. (17.03.2019).

ҳамкорликни мустаҳкамлашга, динлараро, маданиятлараро, конфессиялараро уйғунликни рағбатлантиришга йўналтирилган ҳаракатлари ҳамда ташаббуслари БМТ томонидан қўллаб-қувватланиши баён этилган. 2018 йил 27 ноябрда БМТнинг махсус кенгашида Оролбўйи минтақаси учун кўптомонлама шерикчилик асосида тузилган Траст фонди²⁵ эса Оролбўйи экологик фалокатининг атроф-муҳитга кўрсатадиган таъсирини юмшатишга жаҳон ҳамжамияти эътиборини жалб этиш учун хизмат қилади.

Тадқиқотда Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга йўналтирилган ҳалқаро кучларнинг, жумладан, НАТОнинг контртеррористик операция²⁶ доирасидаги ҳаракатларига қарамасдан, бу мамлакатда бугунги кундаги вазият, “Толибон” ҳаракати тарафдорларининг кучайиши, ДАИШ (ИШИД) ва бошқа террористик ташкилотлар фаолиятининг кенгайиши, наркотик моддалар ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан характерланиши, умуман олганда яхшиланиш тенденцияси кузатилмаётгани ва минтақавий ҳамда глобал хавфсизликка таҳдид қилишда давом этаётгани таъкидланган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги”** деб номланган иккинчи бобида кенг турдаги архив ва бошқа манбалар асосида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ташкил топиши, ривожланиши тарихи, ушбу янги тузилма доирасида Ўзбекистоннинг аъзо мамлакатлар билан ҳамкорлигининг устувор йўналишлари таҳлил қилинади. СССР парчаланиши натижасида собиқ Иттифоқ республикалари олдида илгари мавжуд бўлган муносабатларни қайта кўриб чиқиш масаласи вужудга келганлиги тадқиқотда кўрсатиб ўтилади. 1991 йил 8 декабрда Белоруссия, Россия ва Украина раҳбарлари имзолаган МДҲни ташкил қилиш ҳақидаги шартнома²⁷ Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари томонидан ўзаро англашилган ҳолда қабул қилинган бўлса-да, аммо баёнотда “шартнома биз учун қутилмаган ҳодиса бўлди”,²⁸ деб таъкидланган.

МДҲ ташкил этилиши, амал қилиши билан боғлиқ кенг кўламдаги масалалар ҳамда муаммоларни ҳал этиш учун 1991 йил 21 декабрда Олмаота шаҳрида собиқ Иттифоқ республикаларининг 15 раҳбаридан 11 нафарининг учрашуви²⁹ бўлиб, Ўзбекистон раҳбари ҳам иштирок этган бу кенгаш қатнашчилари СССР тугаганлигини қайд этишди³⁰, ва бир овоздан тенг

²⁵ Газета «Народное слово», 28 ноября 2018 г.

²⁶ 2001 й. 11 сентябрда Нью-Йорк ва Вашингтонда амалга оширилган террористик актларга жавобан Operation Enduring Freedom – Afghanistan (“Афғонистон - мустаҳкам озодлик операцияси”) доирасида 2001 й. 7 октябрда АҚШ “Толибон” ҳаракатига қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлади. БМТ Хавфсизлик Кенгаши 2001 й. 20 декабрдаги №1386 резолюциясига мувофиқ Афғонистонда хавфсизликни таъминлаш учун ISAF (International Security Assistance Force) номланган НАТО ҳарбий миссияси амал қила бошлайди. 2003 йили Афғонистондаги ҳалқаро кучлар кўмондонлиги НАТОга ўтади.

²⁷ ЦГА РУз, ф. М-37, оп. 2, д. 42, лл. 5/обр.-6.

²⁸ *Қаранг:* Заявление глав государств (Республика Казахстан, Республика Кыргызстан, Республика Таджикистан, Туркменистан, Республика Узбекистан) от 13 декабря 1991 г. // Газета «Вечерний Ташкент», 16 декабря 1991 г.

²⁹ Олмаотадаги учрашувда Озарбайжон, Арманистон, Беларуссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва Украина вакиллари қатнашган. Грузия, Латвия, Литва ва Эстония вакиллари эса қатнашмаган. Грузияни МДҲга кириши Давлат раҳбарлари кенгашининг 1993 й. 3 декабрдаги қарори билан расмийлаштирилган.

³⁰ *Қаранг:* Алма-Атинская декларация от 21 декабря 1991 г. ЦГА РУз, ф. М-37, оп. 2, д. 42, лл. 10-10/обр.

ҳуқуқлилик асосидаги МДХ тузилганлиги ҳақидаги қарорни қабул қилиб³¹, ундаги иштирокчи мамлакатларнинг ўзаро муносабатлари давлат ва давлатусти тузилмаси ҳисобланмаган мувофиқлаштирувчи институтлар орқали амалга оширилиши белгиланди.

Диссертацияда МДХ мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик натижасида қуролсизланиш ва ядро қуроли устидан назорат ўрнатиш тўғрисидаги халқаро шартномаларни бажаришга оид масалалар ҳал қилиниши, яхлит Совет армиясидан миллий қуролли кучларни ташкил қилишга келишилган ҳолда ўтиш амалга оширилганлиги³², ташқи чегараларни қўриқлаш³³, Ҳаво ҳужумидан мудофаанинг (ҲҲМ) бирлашган тизимини яратиш³⁴ ва бошқа масалаларга оид бир қатор кўп томонлама шартномалар имзоланиши ёритиб берилган. Ҳамдўстлик доирасида Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг ҳарбий бўлинмалари таркибидаги Коллектив тинчликпарвар кучлар (КТК)ни³⁵ шакллантиришга қаратилган чораларнинг ўз вақтида амалга оширилиши ва уларнинг Тожикистон Олий Совети илтимосига мувофиқ³⁶ Тожикистон ҳудудига киритилиши натижасида Тожикистонда вазият эскалацияси³⁷ ҳамда беқарорликнинг ушбу республикадан ташқарига тарқалишининг олди олиниб, қуролли қарама-қаршиликни сиёсий йўл билан ҳал қилиш учун шароит яратилди. Ҳамдўстлик доирасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истиқболларини назарда тутиб, мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев МДХ Ўзбекистон учун “устувор соҳаларда амалий ҳамкорлик қилишнинг ғоят муҳим институтидир” ва бу борада республика “ўз ёндашувларини жиддий мақбуллаштириш ва МДХ фаолиятидаги иштирокига сифат жиҳатидан янги суръат бағишлашни мақсад қилиб қўйган”, деб таъкидлади³⁸. Бунинг исботи сифатида фақат 2017-2018 йилларда ўзаро

³¹Қаранг: Протокол к Соглашению о создании СНГ. ЦГА РУз, ф. М-37, оп. 2, д. 42, л. 8.

³²Миллий Қуролли кучларни шаклланишига 1991 й. 30 декабрда МДХ давлат раҳбарлари Кенгаши йиғилишида имзоланган Қуролли Кучлар ва Чегара Қўшинлари тўғрисидаги Битим асос бўлиб, унда “мудофаа ва хавфсизлик, шу жумладан чегара муҳофазаси, масалаларини ўзаро келишилган ҳолда ҳал этиш заруратидан келиб чиқиб”, МДХ мамлакатлари “ўзларининг Қуролли Кучларини тузишнинг қонуний ҳуқуқига эга эканликларини” тасдиқладилар. Қаранг: ЦГА РУз, ф. М-37, оп. - 2, д. 42, лл. 14/обр.-15.

³³Чегара қўшинлари кўмондонлари кенгашини тузиш ҳақидаги Қарорга мувофиқ 1992 й. 6 июлдан бошлаб МДХ мамлакатлари чегара идоралари раҳбарлари Кенгаш аъзолари ҳисобланадилар. Қаранг: ЦГА РУз., ф. М-37, оп. - 2, д. 42, л. 201.

³⁴Қаранг: ЦГА РУз, ф. М-37, оп. 2, д. 184, лл.18-19.

³⁵1993 й. сентябрда МДХ Коллектив тинчликпарвар кучларининг шакллантирилиши, уни биргаликда таъминлаш чоралари ва ҳ.к. тўғрисида қарорлар қабул қилинади. Қаранг: ЦГА РУз, ф. М-37, оп. 2, д. 93.

³⁶Обращение Верховного Совета Республики Таджикистан к Верховному Совету Республики Узбекистан (принято на XVI сессии ВС РТ, 1 декабря 1992 г., г. Худжанд). // Қаранг.: ЦГА РУз, ф. М-69, оп. 1, д. 8, л.73.

³⁷Ушбу мамлакатда вужудга келаётган вазиятнинг кенг қўламлиги ва фалокатлигининг мисоли сифатида ўша даврда Тожикистонда жами 5,4 млн дан сал кўпроқ бўлган аҳолидан қуролли ҳаракатлар натижасида 50 000 кишидан кўпроғи ҳалок бўлган ва 1 млн одам яшаш жойини ташлаб, Афғонистон ва бошқа давлатлар ҳудудига қочишга мажбур бўлган. Қаранг: Basic Facts about the United Nations. United Nations Department of Public Information New York. 2011. – P.100; Бобохонов Р.С. Гражданская война (1992-1997 года). Причины, ход, последствия и уроки // Журнал «Общественные науки и современность». 2011, № 4. – С. 80.

³⁸Выступление Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева на состоявшемся 11 октября 2017 г. Сочинском саммите СНГ. Газета «Народное слово», 13 октября 2017 г.

муносабатларни ривожлантиришга қаратилган Ҳамдўстликнинг 10 дан ортиқ турли соҳавий ҳамкорлик органларига кўшилди³⁹.

МДХ мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлик ривожининг ўрганилиши ва таҳлили⁴⁰ МДХ тузилишининг дастлабки босқичида биринчи ўринда “мустақиллик эйфория”си, аксарият постсовет республикаларининг жаҳон бозорига мустақил чиқишга бўлган интилиши⁴¹ ва олдин амал қилган хўжалик алоқаларининг узилиши кўпчилик аъзо давлатлар иқтисодий аҳволининг кескин ёмонлашувига олиб келганлигини кўрсатди. 1990-йилларда МДХ доирасида умумий иқтисодий макон тузишга бўлган уринишлар самарасиз бўлди⁴², аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда икки томонлама шартномалар асосидаги эркин савдо тартиби амал қилган бўлиб, бу, ўз навбатида, Ҳамдўстлик маконида мувофиқлаштирилган савдо юритиш учун ноқулайлик яратарди. Шу муносабат билан, уюшма доирасида маҳсулотларнинг эркин ҳаракати учун шароит яратишни шакллантириш заруратини ҳисобга олган ҳолда, 2013 йилнинг май ойида Ўзбекистон МДХ Эркин савдо зонаси (ЭСЗ) шартномасининг тўла ҳуқуқли аъзосига айланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотда ЭСЗ фаолиятида иштирок этиши масаласида Ўзбекистоннинг нуқтаи назари кўриб чиқилиб, республика “ҳамдўстлик маконида ҳеч қандай истисно ва чекловларсиз тез фурсатда тўлақонли эркин савдо ҳудудини шакллантиришнинг тарафдори” эканлиги таъкидланади⁴³. Диссертацияда Ўзбекистоннинг ЭСЗдаги самарали иштироки республиканинг ташқи савдодаги статистик маълумотлари билан тасдиқланади⁴⁴.

Бобда таъкидланишича, ҳозирги замонда ҳар қандай давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ҳарбий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий имкониятларининг ривожланганлик даражаси билан бир қаторда, жамиятнинг маънавий-ахлоқий ҳолатига ҳам боғлиқ. Шунга асосан, тадқиқотда МДХ маконида гуманитар ҳамкорликнинг ривожланиши таҳлил этилиб, ушбу соҳадаги ҳамкорлик умуман олганда барча йўналишлар бўйича ривожланаётганлиги ва аъзо давлатларнинг ўзаро яқинлашишига асос

³⁹Илмий-техник ва инновацион соҳаларда ҳамкорлик қилиш бўйича Халқаро кенгаш, Агросаноат комплекси масалалари бўйича Кенгаш, Атом энергиясини тинч мақсадда ишлатиш бўйича Комиссия, хавфсизлик органлари ва махсус хизматлар раҳбарларининг Кенгаши ва бошқ. Қаранг: «Ежедневный вестник новостей» Управления по связям с общественностью и СМИ МИД Узбекистана №241, 7 декабря 2018 г.

⁴⁰Постсовет маконида иқтисодий интеграцияни шакллантиришнинг асосий шартларини ягона рубль зонаси ва тарихан шаклланган иқтисодий алоқалар, ягона транспорт-коммуникация, ёқилғи-энергетик ва молия-банк ва ҳ.к. тизимининг мавжудлиги ташкил қилди.

⁴¹Янги давлатлар ўзининг ташқи иқтисодий фаолиятини “узоқ хорижга” йўналтиришга қаратилган ҳаракатлари, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулот, бир қатор хом ашё маҳсулотларидан ташқари, жаҳон бозорида эҳтиётсизлик эмаслигини кўрсатди.

⁴²Эркин савдо режимидаги маҳсулотларни муомаладан чиқариш тўғрисидаги рўйхатни белгилаш, эркин савдо зонасини тузишга оид масалаларда МДХ мамлакатлари раҳбарлари ягона фикрга кела олишмади.

⁴³Газета «Народное слово», 13 октября 2017 г.

⁴⁴Диссертант томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотларга (2019 й. 10 апрельдаги №01/3-01-19-382 сонли хат) кўра, Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси 2018 йили 2010 йилга нисбатан 9 369,3 дан 12 144,4 млн. АҚШ долларига ошган (салкам 30 % ўсган). Шу даврда МДХ доирасида Ўзбекистоннинг асосий савдо шериклари Россия ва Қозғистон бўлиб, улар билан ташқи савдо ҳажми мос равишда 5 655,9 ва 2 919,6 млн. АҚШ долл. ташкил қилган.

бўлганлиги таъкидланган. Маданият соҳасидаги ўзаро муносабатларда Ўзбекистон ва бошқа Ҳамдўстлик мамлакатларининг маданият ва санъат арбоблари иштирокида халқаро фестиваллар⁴⁵, МДХ маконидаги бирор бир мамлакатининг маданият кунлари ва йилини ташкилотнинг бошқа давлатларидаги⁴⁶ ҳамда ҳар йили гуманитар мавзулардаги кенг кўламдаги тадбирлар⁴⁷ ва ҳ.к. ўтказилиши муҳим ўрин тутади.

Муаллиф МДХ доирасида олий таълим соҳасидаги кўптомонлама ҳамкорлик ривожланишини тадқиқ этишда, таълим соҳасидаги ҳуқуқий асосларнинг шаклланиши⁴⁸, Ҳамдўстлик мамлакатларининг етакчи олий таълим муассасалари моддий-техник ва ахборот базасидан фойдаланган ҳолда юқори малакали кадрларни тайёрлаш борасида миллий таълим тизимини халқаро тажриба билан бойитиш мақсадида халқаро таълим алоқаларнинг ривожлантирилиши, ушбу соҳада мавжуд бўлган ютуқлар⁴⁹ ва муаммолар⁵⁰ ҳақида маълумотларни келтирган.

1993 йил декабрда Туризм соҳасида ҳамкорлик ҳақидаги шартнома имзоланганлиги туризм маданиятлар ўртасида мулоқотнинг самарали воситаси сифатида МДХ доирасида жиддий эътибор объектига айланганлигидан далолат беради⁵¹. МДХ худудида туристик фаолиятни мувофиқлаштириш учун 1994 йил сентябрда аъзо давлатларнинг туризм бўйича Кенгаши ташкил этилган. Бироқ, МДХ мамлакатларининг минтақавий туризмни ривожлантиришга қаратилган ўзаро амалий фаолияти таҳлили Ўзбекистон ва ташкилотнинг бошқа

⁴⁵ Ўзбекистонда “Театр: Шарқ – Ғарб” (1997 й.), “Тошкент-98” замонавий симфоник мусиқа халқаро фестиваллари ўтказилиб, уларда МДХ мамлакатлари ва жаҳоннинг бошқа давлатлари вакиллари қатнашишган. *Қаранг:* Архивные материалы Министерства по делам культуры Узбекистана. ЦГА РУз, ф. М-7, оп. 1, д. 331, лл. 12-13; *Бабаходжаева Л.М.* Международное культурно-гуманитарное сотрудничество Республики Узбекистан (период независимости). – Ташкент: Фан, 2011. – С.40.

⁴⁶ Фақат 2017-2018 йй. ўзида Россия ва Тожикистонда Ўзбекистон маданияти кунлари, Ўзбекистонда Тожикистон маданияти кунлари, Қозоғистонда Ўзбекистон йили ва бошқалар ўтказилган.

⁴⁷ 2010 й. – Фан ва инновациялар йили, 2011 й. – Тарихий-маданий меросни сақлаш йили, 2012 й. – Спорт ва соғлом турмуш тарзи йили, 2013 й. – Экологик маданият ва атроф-муҳитни сақлаш йили, 2014 й. – Туризм йили, 2015 й. – Фахрийлар йили, 2016 й. – Таълим йили, 2017 й. – Оила йили, 2018 й. – Маданият йили ва 2019 йил Китоб йили деб эълон қилинган.

⁴⁸ 1992 й. 15 май куни Тошкентда таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган бўлиб, унга мувофиқ аъзо давлатлар 1992 й. 1 январигача таълим муассасаларига қабул қилинган бошқа давлат фуқароларининг таҳсил олиши мажбуриятини ўз зиммаларига олиш, ўз худудларида ўрта, касбий-техник ва олий таълим тўғрисидаги ҳужжатлар, Битим имзоланганга қадар аъзо давлатлар томонидан берилган илмий даража ва илмий унвонларни муддатсиз тан олишни кафолатладилар. *Қаранг:* ЦГА РУз, ф. М-37, оп. 2, д. 42, лл.142-143.

⁴⁹ Икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда Ўзбекистон Россия билан фаол ҳамкорлик қилади. Масалан, 2018 йил ҳолатига кўра республикада М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодий университети, И.М.Губкин номидаги Нефть ва газ Россия давлат университети, Москва пўлат ва қоришмалар институти фаолият кўрсатади.

⁵⁰ Олий таълим тизимидаги асосий муаммолар сифатида қуйидагилар белгиланган: инновацион технологияларни фаол жорий этиш масалаларида хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилмаслик; ишлаб чиқариш объектларида талабаларнинг малакавий амалиётини самарали ташкил этилмаслиги натижасида назарий билимлар ва амалий кўникмаларнинг яхлитлигини таъминланмаслиги; МДХ мамлакатлари томонидан мустақиллик даврида таълим тўғрисидаги ҳужжатларни мувофиқлаштириш муаммолари ва ҳ.к.

⁵¹ Туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга мувофиқ Ҳамдўстлик мамлакатлари туризм соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга кўмаклашиш, умумий туристик маконни шакллантириш, анъанавий туристик маршрутларни тиклаш ва янгиларини очиш чораларини кўриш, паспорт-виза, божхона текширувларини соддалаштириш, туристларнинг борган мамлакатада ижтимоий ҳимоялаш, шахсий хавфсизлигини таъминлашни ўз зиммаларига олишади. *Қаранг:* ЦГА РУз, ф. М-37, оп. 2, д. 93, лл. 262-264.

мамлакатларида мавжуд улкан имкониятларга қарамай⁵², МДХ доирасида ушбу фаолият тури етарлича ривожлантирилмаган ва ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини кўрсатди⁵³.

Юқорида баён этилганларнинг якуни сифатида муаллиф СССРнинг парчаланиши шароитида МДХнинг ташкил этилиши собиқ совет республикаларнинг тинч бўлиниши ва дезинтеграцион оқибатларни тартибга келтиришда муҳим роль ўйнаганлиги ҳақида хулоса қилади. Собиқ Иттифоқ ичидаги ўзаро боғловчи ва бирлаштирувчи омиллар (ўз арсеналида ОҚҚ – оммавий қирғин қуролига эга ягона қуроли кучлар, умумиттифоқ доирасидаги иқтисодий макон, умумий энергетик ва транспорт тизим мавжудлиги, республикалараро чегараларнинг йўқлиги, фуқароларнинг визасиз сафар қилишлари ва ҳ.к.) амал қилишда ва янги тузилган давлатларнинг ташқи ва ички сиёсатининг шаклланишига таъсир кўрсатишда давом этарди. Мавжуд шароитда МДХ аъзо давлатларнинг ўзаро фаолияти ривожланишини бирлаштирувчи омилга айланди.

Диссертант МДХ шаклланиши ва Ўзбекистон Республикасининг ушбу жараёнда қатнашишига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа материалларни ўрганиб ва таҳлил этиб, Ҳамдўстликнинг ривожланиши тарихини шартли равишда тўрт босқичга бўлди.

Биринчи босқич (1991 йил декабрь – 1993 йил январь) – МДХ фаолиятининг ташкил топиши ва унинг институционал механизми шаклланиши даври бўлди. Ҳамдўстлик доирасида амалдаги ўзаро ижтимоий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни қўллаш ва рубль зонасини сақлаб қолишга ҳаракат қилинди⁵⁴, ядровий қуроли назорат қилиш, яхлит қуроли кучлардан миллий армия тузишга ўтиш, ташқи чегараларни ҳимоялаш ва бошқа муаммолар ҳал этилди.

МДХ ривожланишининг *иккинчи босқичида* (1993 – 1999 йй.) Тожикистон ҳудудидаги вазиятни барқарорлаштириш⁵⁵ ҳамда Ҳамдўстлик доирасида ҳарбий-сиёсий⁵⁶, иқтисодий⁵⁷ ва гуманитар⁵⁸ соҳаларда ўзаро таъсир

⁵²Фақат Ўзбекистоннинг ўзида 7400дан ортиқ ноёб тарихий, археологик ва меъморий ёдгорликлардан иборат маданий мерос объектлари мавжуд // Газета «Правда Востока», 8 январь 2019 г.

⁵³МДХ мамлакатлари Кенгаши туризмга оид қабул қилган қарорлари асосан тавсия характерига эга ва уларни амалда тадбиқ этиш ва назорат қилиш бўйича аниқ механизмлар мавжуд эмас. Ҳамдўстлик мамлакатларида туристик соҳага салбий таъсир кўрсатаётган умумий муаммолар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: МДХ ягона информацион тармоғининг шакллантирилмаганлиги; туристик потенциалнинг суут ривожланганлиги ва ундан етарли тарзда фойдаланилмаганлиги; туристик инфраструктуранинг ривожланишига етарлича инвестицияларни киритилмаслиги ва информацион-коммуникация технологияларга жорий этилмаслиги ва ҳ.к.

⁵⁴Ўзбекистон 1994 й. 1 июлдан ягона қонуний тўлов воситаси сифатида ўзининг миллий валютаси – “Сўм” киритганидан сўнг умумий рубль зонасидан тўлиқ чиқди.

⁵⁵Қуроли қарама-қаршилик мавжуд бўлган Тожикистон ҳудудидаги мураккаб вазият муносабати билан МДХ доирасида Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳарбий бўлинмалари таркибида МДХ Коллектив тинчликпарвар кучлари шакллантирилган ва улар бу мамлакатда вазиятни барқарорлаштириш ва можарони минтақанинг бошқа мамлакатлари ҳудудида тарқалишини олдини олишда муҳим роль ўйнади.

⁵⁶ Ҳозирги дунёдаги глобал ва минтақавий таҳдидлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, МДХ доирасида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ-ОДКБ), бирлашган Ҳаво ҳужумидан мудофаа (ХХМ) тизими ва бошқа шу каби ҳарбий-сиёсий соҳадаги интеграцион механизмлари тузилган. Ҳарбий ҳамкорлик ва аъзо давлатлар ўртасидаги ташқи чегаралар хавфсизлигини таъминлашнинг мувофиқлаштирувчи механизми сифатида Мудофаа вазирлари кенгаши ва Чегара қўшинлари қўмондонлари кенгаши бўлди.

механизмларини шакллантиришга оид бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинган.

Учинчи босқичда (2000 – 2016 йй. биринчи ярми) Ҳамдўстлик доирасида ўзаро давлатлараро алоқаларнинг асосий йўналишини иқтисодий ҳамкорлик ташкил қилди. МДҲ доирасида товарларнинг эркин ҳаракатланаши⁵⁹ ва халқаро савдо тизимида интеграциялашиш учун шароит яратиш заруратини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон ЭСЗ Шартномасига аъзо бўлди. Гуманитар соҳада ҳамкорлик кўпинча Ўзбекистон билан МДҲ мамлакатлари ўртасида икки томонлама асосда амалга оширилди эди.

Тўртинчи босқич (2016 йил иккинчи ярми ва бугунги кунгача) Ўзбекистоннинг МДҲ соҳавий органлари ишида иштирокининг фаоллашуви билан характерланади. Ҳамдўстлик ҳукумат раҳбарлари кенгашининг йиғилиши биринчи марта Тошкентда ўтказилди. Республика жинойатчиликка қарши кураш, илм-фан ва инновациялар, иқтисодиёт, энергетика ва бошқа соҳаларни қамраб олган 10 та соҳавий ҳамкорлик органларига қўшилди.

“Ўзбекистон Республикасининг ШХТ доирасида аъзо давлатлар билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари” деб номланган учинчи бобда муаллиф кўплаб расмий ҳужжатлар ва бошқа материалларни ўрганиш асосида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг ташкил топиши тарихи, ташкилотнинг ҳозирги замон халқаро муносабатлар тизимидаги роли ҳамда минтақавий хавфсизликка янги даъват ва таҳдидларга қарши туришдаги фаолияти, шунингдек, ШХТнинг институционал ривожланишида Ўзбекистоннинг иштирокини таҳлил қилди.

Тадиқотда таъкидланишича, ШХТ доимий фаолият кўрсатадиган халқаро ташкилот бўлиб⁶⁰, унинг пайдо бўлишига, 1996 йили Шанхай шаҳрида бешта давлат – Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Хитой раҳбарлари томонидан “4+1” форматидаги (кейинчалик “Шанхай бешлиги” номини олган⁶¹) тузилган ва собиқ совет-хитой чегараси муаммоларини⁶² ҳал этишга ва чегараолди ҳудудларини демилитаризация қилишга йўналтирилган консультатив механизм бўлди. “Шанхай бешлиги”нинг ШХТ сифатида қайта

⁵⁷Самарали кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни ўрнатиш мақсадида МДҲ маконида эркин савдо зонасини тузишга қаратилган ҳаракатлар бўлди. Аммо аъзо мамлакатлар ЭСЗ шакллантиришда умумий ёндашувга эриша олмаганлиги сабабли мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар икки томонлама битимлар асосида амалга оширилиши давом этарди.

⁵⁸МДҲ мамлакатлари ўртасидаги маданиятлараро мулоқотни ривожлантириш ва ўзаро фаолиятини мувофиқлаштириш учун Маданий ҳамкорлик бўйича кенгаш тузилган.

⁵⁹МДҲ маконида ягона эркин савдо зонасининг йўқлиги ва ўша даврда бирлашма мамлакатлари ўртасида ўзаро савдо тўғрисидаги юздан ортиқ шартномаларнинг мавжудлиги бирлашма доирасида мувофиқлаштирилган иқтисодий ҳамкорликни амалга оширишда ноқулайликлар яратар эди.

⁶⁰Ўз мақомига кўра ШХТ халқаро ташкилот бўлиб, шундай тузилмаларга қўйилган барча мезонларига мос келади: халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ тузилган; халқаро шартнома асосида таъсис этилган; фаолиятнинг аниқ соҳаларида ҳамкорлик қилади; мустақил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. *Қаранг:* ШОС и проблемы безопасности Евразии. / Под ред. Розанова А.А. // Совместное исследование Женевского центра по демократическому контролю над вооруженными силами, Белорусского госуниверситета и Казахстанского ИСИ. – Минск/Алматы/Женева, 2012. – 194 с.

⁶¹*Трофимов Д.* Шанхайский процесс – от «Пятерки» до организации сотрудничества. Итоги 90-х, проблемы и перспективы развития // Центральная Азия и Кавказ. – 2002, №2 (20). – С. 99.

⁶²*Бу ҳақда батафси қаранг:* Шарипов М.Ш. Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ШХТнинг аҳамияти. Сие. фан. ном. автореф. – Тошкент, 2007. – Б. 11-12.

ташқил этилиши 2001 йил 15 июнь куни унга аъзо давлат сифатида Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши билан амалга оширилди. Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга қизиқиши ШХТни тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, биринчи ўринда, терроризм, экстремизм ва наркотиклар ноқонуний айланиши каби минтақавий ва халқаро хавфсизликка таҳдидларга қарши туриш учун йўналтирилган кўптомонлама ҳамкорлик механизми эканлиги билан белгиланади. Диссертантнинг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг ШХТ фаолиятидаги иштироки, жумладан, унинг ташкилотга раислик даврлари (2003-2004 йй., 2009-2010 йй ва 2015-2016 йй.), бирлашманинг ташқил топиши ва институционал ривожланишида муҳим роль ўйнади. Хусусан, Ўзбекистоннинг ШХТдаги раислиги даврида қабул қилинган ШХТ қошидаги кузатувчилар мақоми тўғрисидаги низом (2004), ШХТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация, ШХТ қоидалари ва процедуралари, ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тўғрисидаги низом (2010), ШХТга аъзо давлат мақомини олиш учун Ҳиндистон ва Покистон мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум (2016) ва бошқа ҳужжатлар ташкилотни узоқ муддат давомида мустаҳкамлаш, унинг таркиби кенгайишининг ҳуқуқий асосларини яратиш, халқаро алоқаларини ривожлантириш, ҳозирги замон таҳдидларига қарши туриш тегишли миллий органларнинг ўзаро самарали ҳамкорилиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Муаллиф тадқиқотида кўшни Афғонистон ҳудудидан тарқалаётган таҳдидларни⁶³ ўз ичига олган минтақавий хавфсизлик муаммоларига эътибор қаратиб, ШХТнинг афғон инқирозини ҳал этиш йўллари ва унда Ўзбекистоннинг ролини очиб беради. Минтақавий хавфсизлик соҳасидаги аниқ лойиҳалар ҳақида тўхталар экан, бобда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда аъзо давлатлар ваколатли органларининг биргаликдаги ҳаракатларини мувофиқлаштиришга қаратилган ШХТ Минтақавий аксилтеррористик тизими фаолиятини тадқиқ этишга алоҳида эътибор берилган⁶⁴. Таъкидлаш лозимки, бу таҳдидлар ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Жумладан, экстремизм ва сепаратизм терроризмнинг сиёсий мафқураси функцияларини бажарса, терроризм, ўз навбатида, сепаратистлар ва экстремистларнинг сиёсий мақсадларини амалга ошириш воситаси сифатида қўлланилади⁶⁵. МАТТ таркибига Кенгаш (бошқарув органи)⁶⁶ ва Ижроия

⁶³Афғонистон ҳудудида қуролли можаролар, Халқаро террористик ташкилотлар лагерлари ва базаларининг мавжудлиги, наркотикларни ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва айланиши МОдаги вазиятни издан чиқаришнинг жиддий манбасига айланган.

⁶⁴Соглашение между государствами-членами ШОС о РАТС от 7 июня 2002 г. // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2004 г., № 1-2, ст. 21.

⁶⁵Бекмуратов И.Н. Деятельность ШОС и процесс ее институционализации. Автореф. ... канд. полит. наук. – Ташкент. 2006. – С.14.

⁶⁶МАТТ кенгаши асосий вазифалар ва хизматларни амалга оширишнинг тартибини белгилайди, шунингдек ШХТ аъзо давлатлари раҳбарларига МАТТ фаолияти тўғрисида йиллик ҳисоботларни тақдим этади. Кенгаш тартибига, шунингдек, ШХТ аъзо давлатларининг вакиллари – ваколатли органлар раҳбарларининг куйидаги ўринбосарлари қиради: Қозоғистон МХҚси; Хитой жамоавий хавфсизлик вазирлиги - ЖХВ; Қирғизистон МХДҚси; Россия ФХХси; Тожикистон МХДҚси; Ўзбекистон ДХҚси. Шунингдек, 2017 йил сентябридан МАТТ Кенгаши ишида ШХТнинг янги доимий аъзолари – Ҳиндистон ва Покистоннинг ваколатли органлари вакиллари қатнашишмоқда.

қўмита (ИҚ – ШХТнинг доимий фаолият кўрсатувчи органи)⁶⁷ киради. МАТТ Ижроия қўмитасининг расмий очилиши 2004 йил 17 июнда Тошкентда бўлиб ўтди ва унинг биринчи директори этиб, Ўзбекистон вакили Вячеслав Қосимов (2004-2006 йй.) тайинланган.

Муаллифнинг таъкидлашича, ШХТ Хартиясига мувофиқ МАТТ қароргоҳи этиб Бишкек шаҳри танланган эди. Лекин, кейинчалик Марказий Осиёдаги аксилтеррорчи кучларни жойлаштириш ва фаолиятини оптималлаштириш мақсадида 2003 йил 5 сентябрда Тошкентда ШХТ Хартиясига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги махсус протокол имзоланиб, унга биноан МАТТ Ижроия Қўмитаси жойлашуви Бишкекдан Тошкентга кўчирилди.

Диссертацияда Ўзбекистоннинг МАТТ ва ШХТ бошқа институтлари доирасида кўп томонлама форматдаги муносабатларининг амалий натижаларини таҳлил қилиниб, глобаллашув жараёнларининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда халқаро терроризм ва экстремизмга, афғон наркотрафикига қаршилик кўрсатишга кўмаклашадиган, шу жумладан, бу жараёнда замонавий инфор­мацион технологиялардан фойдаланиш каби бир қатор ижобий тенденциялар ёритилган. Бу Ўзбекистон ва бошқа аъзо давлатларнинг тинчликка хавф солувчи ноанъанавий таҳдидларга қарши қаратилган ва МАТТ томонидан мувофиқлаштирилган мақсадли чора-тадбирларининг натижалари бу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигидан далолат беради⁶⁸.

Шу билан бирга, муаллиф, БМТнинг янги статистик маълумотларига таяниб, Афғонистон ҳудудида наркотикларни етиштиришни камай­тириш соҳасида ҳеч қандай ижобий ўзгаришлар рўй бермаётганлигини исботлайди. Масалан, БМТнинг Афғонистонда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотларига кўра уни ишлаб чиқариш 2015 йилга нисбатан 2017 йилда 172 % кўпайган ва рекорд даражадаги 9000 тоннага етган⁶⁹. Афғон наркоти­ги контрабандасининг асосий каналларидан бири бўлган Шимолий маршрут⁷⁰, Афғонистонни Марказий Осиё мамлакатлари орқали Россия ва Европа бозорлари билан боғлайди.

⁶⁷МАТТ Ижроия Қўмитаси штати дипломатик (30 бирлик) ва техник персоналдан иборат. 2017 й. ҳолати бўйича МАТТ ИҚсининг дипломатик таркиби, ШХТ бюджетига аъзо давлатларнинг бадал тўлаши миқдоридан келиб чиқиб, куйидаги таркибда шакллантирилган: Хитой – 7, Россия – 7, Қозоғистон – 6, Ўзбекистон – 5, Қирғизистон – 3, Тожикистон – 2. *Қаранг:* Проблемы обеспечения безопасности ШОС / Отв. ред. д.и.н. Лузянин С.Г. – Москва: Издательство «Весь мир». 2017. – 168 с.

⁶⁸ШХТ расмий маълумотларига кўра 2013-2017 йй МАТТ ваколатли органлари томонидан тайёргарлик кўриш босқичида террористик ва экстремистик характердаги 600 дан ортиқ жиноятнинг олди олинган, 500 дан ортиқ террористларни тайёрлаш базалари йўқ қилинган, Халқаро террористик ташкилотларнинг 2000 дан ортиқ аъзоларининг жинойий фаолиятига барҳам берилган, 1 000 дан ортиқ қўлбола портловчи мосламалар, 50 тонна портловчи моддалар, 10 000 дона ўт очиш қуроллари, бир миллиондан ортиқ ўқ-дорилар мусодара қилинган; фақат 2017 йилда 500 мингга яқин террористик ва экстремистик характерга эга материалларни ўз ичига олган 80 мингдан ортиқ интернет-ресурслар йўқ қилинди ёки чекланди; 2011-2017 йиллар мобайнида 180 тонна героин ва 340 тонна афюн, салкам 1500 тонна марихуана ва 1600 тонна наша мусодара қилинган.

⁶⁹*Қаранг:* Сайт УНПООН: www.unodc.org/documents/crop-monitoring/AfghanistanOpiumSurvey2016_ExSum.pdf; Afghanistan Opium Survey 2017: Cultivation and Production. Сайт УНП ООН: www.unodc.org/documents/crop-monitoring/Afghanistan/Afghan_opium_survey_2017_cult_prod_web.pdf и др. (21.02.2018).

⁷⁰Шимолий маршрут, асосан, Тожикистон ва Қирғизистон (шунингдек Ўзбекистон ёки Туркменистон) орқали Қозоғистон, Россия ва сўнг Европа давлатларига ўтади. Бу маршрутнинг халқаро наркобизнес учун ахамияти 2019 йилнинг 31 майдан 1 июнига ўтар кечаси немис божхона хизматчилари томонидан Польша чегарасида белгиланган нархи 40-50 млн. евро бўлган 670 кг. героин қўлга олинганлиги билан ҳам тасдиқланади. Турк ширинликлари никоби остида яширилган афғон героини Қирғизистондан Бельгияга юк машинасида олиб

Муаллиф ШХТнинг шаклланиши ва институционал ривожланишида Ўзбекистон ва бошқа аъзо мамлакатлар фаолиятини таҳлил этиб, уни шартли равишда уч босқичга бўлади:

Биринчи босқич – ШХТ ташкил этилганлиги расман эълон қилинганидан (2001 йил 15 июнь) 2004 йилнинг июнигача ташкилотнинг шаклланиш даври⁷¹.

Иккинчи босқич – Тошкент саммити ўтказилган даврдан (2004 й.) 2017 йилнинг июнигача ШХТ институционал ривожланишининг асосий даври⁷².

Учинчи босқич – Олмаота саммити ўтказилган даврдан (2017 й.) ҳозирги кунгача ШХТ форматининг трансформацияси⁷³ бўлди.

Бугунги кунда ШХТ кўп томонлама форматдаги нуфузли тузилмалардан биридир. 2018 йилнинг охиригача бўлган ҳолат бўйича ШХТнинг тўла ҳуқуқли аъзолари Ҳиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Покистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон ҳисобланади. Кузатувчи давлатлар мақомига Афғонистон, Беларусь, Монголия ва Эрон эга бўлса, Арманистон, Камбоджа, Непал, Озарбайжон, Туркия ва Шри-Ланка эса мулоқот бўйича шерик мамлакатлардир. Ташкилот аъзо давлатларининг умумий майдони 34 млн. кв. км.дан кўп, ёки Евроосиё худудининг 60%ни, аҳолиси эса Ер юзи аҳолисининг ярмини – 3 млрд.дан ортиқ кишини ташкил қилади⁷⁴.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларни тақдим этиш мумкин:

1. Мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси суверенитетини мустаҳкамлашнинг зарурий шарти республиканинг ташқи сиёсий фаолиятига таъсир кўрсатувчи қатор муҳим омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган жаҳон ҳамжамиятига изчил интеграциялашув, минтақавий хавфсизликни таъминловчи ва мамлакатнинг барқарор ривожланиши учун шароит яратувчи кўп векторли ташқи сиёсатни амалга ошириш бўлди. Глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолиятидаги асосий ҳаракатлари Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда янги ёндашувларни қидириш мақсадида БМТ, НАТО, МДХ,

ўтилмоқчи бўлган. *Қаранг:* Сайт международного информпортала «Немецкая волна»: // www.dw.com/en/germany-670-kilograms-of-heroin-seized-at-polish-border/a-49253337 (11.06.2019).

⁷¹Ушбу босқичда ШХТ фаолиятининг ташкилий ва норматив асоси шакллантирилган. ШХТ Хартияси қабул қилиниши билан Ташкилот фаолиятининг мақсади, вазифалари ва асосий йўналишлари белгиланган, унинг структураси тузилган. ШХТ Ижрочи қотиби ва МАТТ ИҚ директори тайинланиши, Ташкилот бюджетини шакллантириш механизми аниқлаш, ШХТ доимий амал қиладиган органлари – Пекиндаги Котибият ва Тошкентдаги МАТТ Ижроия қўмитасининг ўз ишини тўлиқ ҳолда бошлаши билан бирлашманинг шаклланиши яқун топди.

⁷²Иккинчи босқич ШХТ доирасида кўп режали ҳамкорликнинг самарали механизмларини тузишга йўналтирилган фаол амалий ишлар билан характерланади. МАТТнинг мувофиқлаштирувчи роли асосида аксилтеррористик ва антитеррористик йўналишдаги мақсадли тадбирлар ўтказилди. БМТ Бош Ассамблеясида ШХТга кузатувчи мақомини берилиши ва БМТ, МДХ, АСЕАН, КХШТ, ОҲИЧК ва бошқалар билан халқаро алоқаларнинг ривожлантирилиши, кузатувчи ва мулоқот шериги мақоми берилиши воситасида ШХТнинг бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилиш механизмларининг тузилиши халқаро хавфсизликни таъминлаш масалаларида конструктив ҳамкорликни тузишга асос бўлди.

⁷³Шу даврда тўла ҳуқуқли аъзо сифатида Ҳиндистон ва Покистонни қабул қилиниши ҳисобига ШХТ таркибининг кенгайиши рўй берди. Бу давлатларни ШХТ норматив базаси ва ҳамкорликнинг амалий механизмларига кўшиш мақсадида ташкилий-ҳуқуқий амаллар ўтказилди.

⁷⁴Новейшая история Узбекистана: Учебник для вузов // Отв. ред.: Рахимов М. – Ташкент: Адабиет учқунлари, 2018. – С.453.

ШХТ, ИХТ ва бошқа тузилмалар доирасида самарали икки ҳамда кўптомонлама ҳамкорликни шакллантиришга қаратилган эди. Шу билан бир вақтда Ўзбекистон ташқи сиёсий векторининг ривожланиши маълум ўзгаришларга дуч келди ва ҳам объектив (халқаро майдонда вужудга келган вазият, жумладан Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммолари), ҳам субъектив омилларни ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилди.

2. СССР парчаланганидан кейин Ўзбекистон ва бошқа собиқ иттифоқ республикаларининг ҳарбий-сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқаларини ҳисобга олган ҳолда МДХ таркибига интеграциялашувини объектив жараён сифатида баҳолаш мумкин. Аммо, Белоруссия, Россия ва Украина раҳбарлари томонидан Беловеж шартномасининг имзоланиши, Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа республикалари учун кутилмаган ҳодиса бўлди.

3. Постсовет маконида ташкил топган янги тузилманинг энг катта ютуғи, авваламбор, ягона СССРдан тинч ва нисбатан безарар ҳолатда янги турдаги халқаро муносабатлар тизимига ўтиб, барча аъзо мамлакатларнинг суверен давлатга айланиши бўлди. Ҳамдўстлик доирасида биринчи навбатдаги ва зарурий чораларнинг қабул қилиниши кўйидаги ишларни амалга оширишга имкон берди: совет армияси арсеналларида мавжуд бўлган ОҚҚ устидан назорат ўрнатиш ва унинг тарқалишига йўл қўймаслик ҳамда Марказий Осиё ҳудудидан ядровий қуролни олиб чиқиш; келишилган ҳолда иттифоқ қуролли кучлардан миллий армияларни тузишга ўтиш, ҳарбий ҳамкорлик ва ташқи чегаралар хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган амалий ҳамкорлик механизмлар тузиш; ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг ҳарбий бўлинмалари таркибида Коллектив тинчликпарвар кучларнинг шакллантирилиши сабабли Тожикистонда вазият эскалациясининг олди олинди ва ҳарбий можаронинг республика ҳудудидан ташқарига тарқалишига йўл қўймасликка эришилди.

Шу билан бирга баъзи аъзо давлатлар ўртасида ҳозирги кунгача бир қатор ҳал этилмаган масалалар бўлиб, улар минтақада барқарорликни сақлаб туришга ўз таъсирини ўтказмоқда. Хусусан, бугунги кунгача қўшни республикалар ўртасида ўтган чегара чизикларини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш (делимитация ва демаркация) масалалари тўлиқ ҳал этилмаган.

4. Олдин мавжуд бўлган хўжалик алоқаларнинг барбод бўлиши натижасида собиқ совет республикалари ўртасида вужудга келган муаммоларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ва МДХнинг бошқа мамлакатлари умумий иқтисодий маконни шакллантириш бўйича қатор чораларни амалга оширишди ва Ҳамдўстлик доирасида аъзо давлатлар билан, Халқаро савдо ташкилоти (ХСТ) тартиб-қоидаларига мувофиқ, ўзаро савдони сақлаш ва янада ривожлантиришга ҳамда республика иқтисодиётини халқаро савдо тизимига интеграциялашувига имкон берадиган эркин савдо зонасини тузишди. Лекин ҳозирги кунгача аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро савдода махсус ҳимояловчи, антидемпинг ва

компенсацион чораларни қўллаш ҳолларини бекор қилиш масалалари бўйича охиригача ягона фикрга келинмаган.

5. Умуман олганда, Ҳамдўстлик маконида давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлган маданий-гуманитар ҳамкорлик барча йўналишлар бўйича ривожланмоқда ва турли маданиятлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини яратишга кўмаклашмоқда. Шу билан бирга тадқиқотда Ўзбекистоннинг МДХ маконида маданиятлараро мулоқот соҳасидаги ҳамкорлиги асосан кўп томонлама эмас, балки икки томонлама асосда амалга оширилганлиги қайд этилган.

6. Ўзбекистоннинг ШХТга таъсисчи-давлат сифатида кириши Марказий Осиёда барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Республика ташкилотнинг институционал ривожланишида катта роль ўйнади ва миллий ҳамда минтақавий манфаатлар мувозанатининг сақланиши шарти билан ШХТга ҳам минтақавий, ҳам глобал хавфсизликни таъминлашда ўзаро ҳамкорликнинг муваффақиятли модели сифатида қарайди. Шу билан бирга ШХТнинг иккита янги тўла ҳуқуқли аъзолари – Ҳиндистон ва Покистон ўртасида низоли ҳолатларнинг юзага келтирувчи ҳал этилмаган тортишувларнинг мавжудлиги ШХТнинг ҳам халқаро майдондаги имиджига ҳамда фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

7. Тошкентда ташкил этилган ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси умуман ташкилотга аъзо мамлакатларнинг ваколатли органларининг терроризм, экстремизм ва наркотрафик билан курашдаги уларга юклатилган фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик қилиш вазифаларини бажарилишини таъминламоқда. Ўзбекистон ва бошқа аъзо давлатлар учун МАТТ Марказий Осиёда барқарорликни мустаҳкамлашнинг самарали механизмларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижалари ва унда аниқланган муаммоли масалалар куйидаги **таклиф ва тавсияларни** ишлаб чиқиш учун асос бўлди:

1. Ҳозирги замон шароитида Афғонистондан Марказий Осиё давлатлари орқали МДХ мамлакатлари ва кейинчалик Европага амалга оширилаётган наркотик моддалар контрабандаси борган сари уюшган характерга эга бўлмоқда ҳамда кўплаб мамлакатлар ва минтақаларнинг барқарор ривожланишига хавф туғдирмоқда, шунингдек, терроризмни молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бирига айланган. Афғон наркотикларини ишлаб чиқиш кўламининг тобора ошиши ушбу соҳадаги вазиятни тобора мураккаблаштириб бормоқда ва бундай ҳолат Ўзбекистон ва минтақанинг бошқа мамлакатларини жуда ташвишга солмоқда. Шу муносабат билан наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишини олдини олиш мақсадида халқаро даражада, БМТнинг мувофиқлаштирувчи роли асосида, ўзаро кўптомонлама ҳаракатлар механизмини янада такомиллаштиришни назарда тутадиган куйидаги чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

наркотик моддаларни ноқонуний айланиши устидан назорат ўрнатиш соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, наркотахдидга ва гиёҳванлик

моддаларни сотиш ҳисобига терроризмни молиялаштиришга биргаликда қаршилиқ кўрсатиш, шу жумладан икки ва кўптомонлама форматда оперциялар ташкил этиш;

ваколатли органлар ва ОАВ ўртасида гиёҳванд моддаларнинг тарқатилиши ва наркомания профилактикаси, биринчи ўринда ёшлар ўртасида ушбу масалаларда ҳамкорликни кучайтириш;

кўкнор экинлари ва бошқа гиёҳванд ўсимликларни йўқ қилиш, Афғонистон ҳудудида ноқонуний тарзда наркотик ишлаб чиқариш инфраструктурасига барҳам бериш, ҳамда гиёҳвандлик ўсимликларни етказишда банд бўлган афғон деҳқонларини қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини етказишга йўналтириш.

2. Глобал хавфсизлик тизимининг ҳал қилувчи элементларидан бири ҳисобланган Интернет тармоғидаги информацион хавфсизликни таъминлашга муҳим эътибор бериб, келажакда ҳозирги замон ахборот маконидаги кибертерроризм билан курашда яхлит халқаро механизм тузишга қаратилган фаол қадамлар қўйиш зарур.

3. Жаҳон иқтисодиётининг глобализациялашуви шароитида миллий таълим тизими ва халқаро бозорда олий маълумотга эга маҳаллий кадрлар рақобатбардошлиги даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон таълим тизимини МДҲ ва ШҲТ тармоқ университетларига босқичма-босқич интеграциялашувини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

4. Бой тарихий ва маданий ўтмишга эга бўлган давлатларни бирлаштирган МДҲ ва ШҲТ макони минтақавий туризмни ривожлантириш учун кенг имкониятларга эга. Бундан ташқари, постсовет маконида туризмни ривожлантириш учун тилга оид тўсиқларнинг йўқлиги, кўп йиллар давомида мустақил давлатлар фуқаролари ўртасида дўстона ҳамда қариндошчилик алоқаларининг шаклланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабдан маданий-тарихий ва иқтисодий алоқалар асосида ташкил топган ушбу бирлашмалар негизида умумий туристик маконнинг яратилиши мақсадга мувофиқ. Бу маданиятлараро мулоқотнинг мустақамланиши, аъзо давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, шунингдек уларнинг “Янги Ипак йўли” ташаббусининг муҳим лойиҳаларидаги ўзаро ҳамкорлик механизмларида қатнашишга имкон яратади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.11/30.12.2019. Tar/Yu/I/S/24.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УНИВЕРСИТЕТЕ
МИРОВОЙ ЭКОНОМИКИ И ДИПЛОМАТИИ**

ИНСТИТУТ ИСТОРИИ

РАХИМОВ САДРИДДИН АКРАМОВИЧ

**ИСТОРИЯ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
С МЕЖДУНАРОДНЫМИ И РЕГИОНАЛЬНЫМИ ОРГАНИЗАЦИЯМИ
(НА ПРИМЕРЕ СНГ И ШОС)**

**07.00.05 – История международных отношений и внешней политики
07.00.01 – История Узбекистана**

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.1.PhD/Tar201.

Диссертация выполнена в Институте истории Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский) размещён на веб-странице Научного совета (www.uzhistory.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Абдуллаев Равшан Мажидович**
доктор исторических наук

Официальные оппоненты: **Нуриддинов Эркин Зухриддинович**
доктор исторических наук, профессор

Кобзева Ольга Петровна
доктор исторических наук

Ведущая организация: **Ташкентский государственный университет востоковедения**

Защита диссертации состоится 7 июля 2020 г. в 12.00 часов на заседании Научного совета DSc.11/30.12.2019. Tar/Yu/I/S/24.01 при Университете мировой экономики и дипломатии (Адрес: 100077, г. Ташкент, проспект Мустакиллик, 54. Тел.: (+99871) 267-67-69. Факс: (+99871) 267-09-00, e-mail: rectorat@uwed.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Университета мировой экономики и дипломатии (зарегистрирована за №). (Адрес: 100077, г. Ташкент, проспект Мустакиллик, 54). Тел.: (+99871) 267-67-69. Факс: (+99871) 267-09-00.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года
(реестр протокола рассылки № __ от «__» _____ 2020 года)



И.А. Хамедов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых
степеней, д.ю.н., профессор.

Д. Ш. Умарханова
Секретарь Научного совета
по присуждению ученых
степеней, д.ю.н.

А.Ходжаев
Председатель научного
семинара при Научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.и.н., профессор.

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современном мире значительное влияние на трансформацию международных отношений имеет глобализация, способствующая расширению взаимовлияния между странами. В этих условиях развитие взаимовыгодного сотрудничества в рамках международных организаций многими государствами рассматривается в качестве важного фактора обеспечения мира и стабильности как на национальном, так и на региональном уровне.

Интенсификация глобализации и её влияние на геополитические процессы в мире выдвинули потребность в проведении комплексных исследований современных международных отношений. В частности, вопросы многостороннего сотрудничества стран Центральной Азии в экономической, политической, экологической, гуманитарной и других сферах, а также по укреплению региональной стабильности и безопасности, являются важным направлением научных изысканий во многих научно-исследовательских институтах и центрах мира.

Республика Узбекистан проводит свою внешнюю политику, исходя, прежде всего, из национальных интересов, имеющегося потенциала и возможностей, а также с учётом оказывающих существенное влияние на ситуацию в регионе ряда факторов: геополитическое расположение, отсутствие прямого доступа к морским портам, нестабильность в Афганистане, экологические проблемы Аральского моря и др. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан особое внимание уделяется осуществлению взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики, направленной на создание вокруг страны пояса безопасности, стабильности и добрососедства¹. Узбекистан с целью эффективного решения проблем национального, регионального и глобального масштаба активно развивает взаимодействие со всеми заинтересованными странами и международными организациями на основе многовекторности, а в процессах регионального сотрудничества наиболее высокий уровень взаимодействия имеет в рамках Содружества Независимых Государств (СНГ) и Шанхайской организации сотрудничества (ШОС), участниками которых являются практически все страны Центральной Азии. В этой связи необходимым является комплексное изучение данных процессов с использованием междисциплинарных подходов. Актуальность данной диссертации состоит в том, что сотрудничество Узбекистана со странами СНГ и ШОС до настоящего времени с исторической точки зрения в качестве отдельной диссертационной работы не было исследовано.

Диссертация также способствует выполнению задач, определённых в Законе Республики Узбекистан «Об утверждении Концепции внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан» (2012), Указе

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. // Собрание законодательства РУз. 2017 г., №6, ст. 70.

Президента от 7 февраля 2017 г. №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», постановлений Президента от 30 июня 2017 г. №ПП-3105 «Об организации деятельности Общественного совета по новейшей истории Узбекистана при Академии наук Республики Узбекистан», от 5 апреля 2018 г. №ПП-3654 «Об организационных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Министерства иностранных дел Республики Узбекистан» и в других нормативно-правовых актах в этой области.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением программы развития науки и технологий в Республике Узбекистан I. «Формирование социальных, правовых, экономических инновационных идей в информационном обществе и демократическом государстве и пути их реализации».

Степень изученности проблемы. За последние четверть века были проведены различные исследования в области внешней политики и международного сотрудничества Республики Узбекистан, в том числе в рамках таких организаций, как СНГ и ШОС. Изданную литературу по данной тематике можно разделить на три группы.

К *первой группе* относятся работы отечественных авторов, в которых исследуются различные аспекты внешней политики Республики Узбекистан. Это труды А. Касимова, И. Васькина, Р. Хакимова, Э. Нуриддинова, Н. Касымовой, Х. Гуломова, А. Холиева, М. Баходирова, А. Ходжаева, А. Киргизбоева, И. Бобокулова, С. Сафаева, С. Жураева, Р. Алимова, Ф. Толипова, Ч. Кучарова, В. Парамонова, А. Строкова, О. Столповского, М. Рахимова, Л. Бабаходжаевой, Ш. Арифханова, Р. Фармонова, К. Жураева, О. Абдимуминова² и др., а также диссертационные работы³ по изучению

